



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 6 март, № 47 (5214)

Якшанба

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар!  
Мунис опа-сингиллар, лобар қизларим!  
Гўзал юртимизга барчамиз орзиқиб кутган кўклам нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборақбод этишдан бахтиёрман.

Баҳор тобора кучга кириб, табиат уйғониб бораётган шу кутлуғ айёмда сизларнинг азиз ва қадрдон юзларингиз, қўзларингизга боқиб, самимий туйғу ва тилакларимизни изҳор этар эканимиз, биз баҳор ва аёл сўзларининг нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини янада чуқур англаймиз. Аёл зоти чиндан ҳам ўз тимсолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидойилик каби олижаноб инсоний фазилатларни муҳассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, биз ҳаётимиз мазмунли бўлган севи ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик, сирли туйғуларни Яратганимизнинг беқиёс мўъжизаси бўлиши аёл зотисиз асло тасаввур этилмайди.

Аёл деганда, кўз ўнгимизда, аввало, оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот — Она сиймоси намоен бўлади.

Меҳрибон ва мушфиқ оналаримизнинг ана шундай буюк хизматини сўз мулкнинг султони, улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Жисми қил садқа ано бошига" деган ҳикматли сўзларидан ўтказиб ифода этишнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Шу маънода, асрлар мобайнида Ер юзиде ҳаёт давомийлигини тасминлаб келаётган азиз ва муқаррам Она сиймоси, аёл зоти олдига бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Қадри опа-сингиллар!  
Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олаётганим — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими — уларнинг ривож ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч қандам кўл бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг катта ҳисса қўшаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Хусусан, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғиндаги вакиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибиде 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоен қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таяничи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётганида кўриш, кузатиш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта кўплаб мисолларни олиб келиш мумкин.

Биргина "Соғлом она — соғлом бола" деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуримиз доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг ўзи илғор ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч қилрилмаган салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг хайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғуруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, ҳоло. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар, албатта, барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узокни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажақ авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига этади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуг мақсадга қаратилган барча сайё-ҳаракат ва иштирокимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳолалиб, ҳолис эътироф этилмоқда.

Бу каби ютуқ ва марралар, албатта, барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узокни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажақ авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига этади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуг мақсадга қаратилган барча сайё-ҳаракат ва иштирокимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳолалиб, ҳолис эътироф этилмоқда.

Бизнинг айнан ана шундай улуг мақсадга қаратилган барча сайё-ҳаракат ва иштирокимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳолалиб, ҳолис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақида гапирганда, Халқаро Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига этадиган жонқуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, файзу барақа, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолни кўролмайдиган гаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!  
Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуг ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўнча тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсига кўра, ҳақиқатан ҳам, асрларга тенг давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажаги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча огир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар қўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъбир ўтказиш учун қилинган турли босим ва таъйиқлар бўладими, иқтисодий узилиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта огир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчаси, ўйлайманки, янги тарихимизда чуқур из қолдирадиган давр сифатида ҳалқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Ишонаманки, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур ҳулоса ва сабоқлар чиқариб, мағрурланиб яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммоларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, ҳолисона айтадиган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар, авваламбор, заҳматқаш аёлларимизнинг елкасига тушди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, донолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга шонли юртимизнинг ана шундай синовларни енгиб ўтишида мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқарор тараққиёт суръатларимизни дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган, далада ва корхоналарда, таълим ва шифо масканларида, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаётган сиз қадрдон опа-сингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни тақрор ва тақрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслақдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан.

Мухтарам опа-сингиллар!  
Барчангизни кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар эканман, сизларга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Доимо толеингиз балинд, ризку насибангиз зиёда бўлсин!  
Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАРКАМОЛ

“Туркистон” саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди



Аёллари соғлом элнинг фарзандлари баркамол, келажаги нурафшондир. Бу борада ўзбекистонлик хотин-қизларга — азиз ва муқтарам онажонларимиз, мунис опа-сингилларимизга ҳавас қилса арайиди. Бугун юртимизда қайси соҳани олиб кўрмаган, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшашга имконият берадиган шароитдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қисқача айтганда, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасини бугун ҳар жиҳатдан соғлом ва етуқ фарзандларимиз тимсолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, аёл саломатлиги — оила соғломлиги, жамият мустаҳкамлиги, мамлакат барқарорлигидир.

5 март куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан тароватли ва кўркам қиёфа касб этди. Хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ўзларидек гўзал гуллари ва латиф табассуми Бош майдонидаги айдоқларнинг муносиб ва фойз бағишлади.

Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга қўйилган гуллар бахтли хотин-қизларимизнинг шукроналик ифодасидир. Шу дамда Бахтиёр она ҳайкали сиймосида ҳам, унга боқиб турган аёлларимизнинг юз-қўзида ҳам муштарак эзгу фазилатлар — меҳрибонлик, фидойилик, пок ният, ҳаётдан мамнунлик ҳисси зўхур этарди.

Шу куни “Туркистон” саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

## САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг рўёбга чиқарилишини изчил таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аҳамияти, ўрни ниҳоятда катта. Зеро, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳаётини, иқтисодий салоҳиятини ўша ердаги вакиллик органлари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари яхши биледи.

Шу боисдан давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг аввалги қақриқ бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасида маҳаллий Кенгашлар, айниқса, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, улар амалдаги қонунийликда белгилаб берилган вақолатларидан унумли фойдаланиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида маҳаллий Кенгашлар ҳокимининг тақдимидаги биоан маҳаллий

бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни тараққий эттиришининг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ҳамда уни қуриш қоидаларини тасдиқлаши кўрсатиб ўтилган. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорлари ҳам қонунларга мувофиқ белгиланади.

(Давоми 2-бетда.)

кофоти соҳибалари қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам қуриш мумкин.  
Мазкур муқофот билан тақдирланган қизлар ўтган вақт мобайнида ўз йўналиши бўйича самарали фаолият кўрсатиб, илм-фан соҳасида тадқиқотлар олиб бормоқда, юртимиздаги етакчи ташкилот ва идоралар, таълим муассасалари, ижодий ташкилотларда фаол меҳнат қилмоқда. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов, фестиваллар ва спорт мусобақаларида муваффақият қозонмоқда.

Зулфия номидаги Давлат муқофотининг 2011 йилги соҳибаларидан бири — Бибиноз Қаипова Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синфиде ўқийди. Тасвирий санъатта меҳри банд бўлиб қизнинг иқтидори юртимизнинг моҳир мусаввирлари ва санъатшунослари томонидан эътироф этилган. Бибиноз юртимизнинг бетақрор табияти манзаралари, обод ва фойзли шаҳар қишлоқларимиз, гўзал удумларимиз, осуда ва фаровон ҳаётимизни рангин бўёқларда акс эттиришни жуда ёқтиради.

(Давоми 2-бетда.)

## ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига байрам табригини барчамиз катта мамнуният билан тингладик.

ЖАСОРАТ КЎРСАТИШГА ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ  
Унда мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини табиий офатлар, техноген ҳалокат ва фалокатлардан муҳофаза этиш бўйича ишонли ва самарали миллий тизим яратиш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айлангани, бу борада қўйилган мақсадга эришиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, халқимиз тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш Юртимизнинг томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Биз, қутқарувчилар мана шундай шароитда ва масъулиятли ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиз чексиз фخر-ланимиз, гурурланамиз.

(Давоми 2-бетда.)



# Азиз ва мукаррам Она сиймоси, аёл зоти олдиди бoш эғиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир



**Юртимизда азалдан аёл зотига хурмат билан қаралган. Мамлакатимиз мустақиллиги боис бу ҳурмат-эътибор янада юксалди. Хотин-қизларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустахкамланди. Андижонлик опа-сингилларимиз ҳам ўзларининг байрамларини ҳар жабҳада самарали натижага ва кўтаринки руҳ билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.**



## АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

фаоллиги ортиб бораётганини яққол кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасида хотин-қизлар сони икки ярим-уч баравар ортиди. 2 нафар аёл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига, 1 нафар аёл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоллигига, 11 нафар аёл халқ депутатлари вилоят Кенгашига, 94 нафар аёл шаҳарлар, туманлар кенгашларига депутат этиб сайланганлиги уларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этаётганидан далолатдир.

28500 нафардан ортиқ аёл соғлиқни сақлаш тизимида, 61500 нафардан зиёди халқ таъ-

лими, 3455 нафар хотин-қиз давлат бошқаруви органларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Вилоят аёллари орасида 168 нафар олимпиа, 40 нафарга яқин тадқиқотчи бўлиб, улар долзарб мав-

### Эҳтиром

зулар бўйича изланишлар олиб бормоқдалар. 2010 йилда вилоят олий ўқув юрталарида тадқиқот билан шуғулланаётган 10 нафар аёл номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Халқимизнинг ризиқ рўзи бунёд этилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг фидойилиги алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки вилоят меҳнатқашларининг пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари етиштириш бўйича эришган ютуқларида заҳматқаш аёлларимизнинг, айниқса, 316 та фермер хўжалигини бошқараётган раҳбар аёлларнинг муносиб ҳиссаси бор. Фидойи аёлларимизнинг сама-

акс этишини ҳисобга олиб, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан сўнгги уч йилда миллий либослар тарғиботини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада вилоят миқёсида “Либосларда қадрият акси”, “Асл либослар” кўрик-танловлари, мустақиллик байрами олдидан ўтказилган миллий либослар олимпиади тadbирлари, вилоят олимпиадалари иштирокидаги “Саломатлик гигиенаси ва кийиниш маданияти” мавзусидаги давра суҳбатлари ҳам ижобий натижа берди.

Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ёшларга қанот бахш этмоқда. Сўнгги йилларда андижонлик хушовоз хонандалар Гулмира Чаварова, Гулмира Абдулахатова, Адолат Қўлдошева ҳамда Рўзиқон Нурматова “Нихол” мукофоти совриндори бўлиди.

Баҳор ва Аёл тушунчаларини бири-бирдан айро тасаввур этиш мумкин эмас. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, пок орзу-умидлар, меҳр ва муҳаббат мужассам. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садқоти, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз муъжизасидир. Шу боис уни гулга, бетимсол меҳрини дарёга, иродасини эса метинга қиёслашади. Мустақиллигимизнинг йигирманчи баҳорда юртдош аёлларимизнинг хусну малюҳатию азму шижоати-га назар солиб, бу қиёсланишнинг нақадар ўринли эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Ҳабиб СИДДИҚОВ.

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошидаги “Сиёсатчи аёллар” клуби томонидан сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” раҳбарлари билан “Очиқ мулоқотлар”, вилоят телевидениеси орқали “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни”, “Аёл ва сиёсат”, “Сайловлар жараёнида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш” каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди. Вилоятимиздаги 24 минг нафардан зиёд аёлларнинг сиёсий партиялардаги иштироки уларнинг сиёсий

**Оналарнинг оёғи остидадур Равзан жаннат ушшоғи боғи. Равза боғи висолини истаф эсанг, Ёғди онамни оёғи шифроғи.**  
Алишер НАВОЙИ.

### Ифтихор

Куй ва оҳангга ошно бўлган қалбада эзгулик, меҳр ва вафо ҳислари кўртка ёғди. Шу маънода, Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори биз сингари ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликнинг амалий тасдиғи сифатида аҳамиятлидир. Табиийки, бундай эътибор ўз самарасини кўрсатмай қолмайди, албатта.

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН!

Ўз ҳаётим мисолида айтадиган бўлсам, мусиқага болалардан қизиқдим. Ота-боболаримиз “Интилганга толе ёр”, дея бежиз айтишмаган. Илк бор ёш пианиночиларнинг Грецияда ўтказилган “Концертум” IX халқаро танловига иштирок этиб, иккинчи ўринга сазовор бўлганимда эндигина саккиз ёшга киргандим. Голиблар қаторида исми-фамилиям эълон қилиниб, “Ўзбекистондан” деган сўзни ашитган, севинч ёшларимни яшира олмадим. Ўз иқтидоримизни тўла-тўқис намоён этиш учун барча имкониятлар яратилган мустақил юрт фарзанди эканлигимдан бениҳоя фахрландим.

Эришган ютуқларимнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамоллигида биз, ёшларга билдирилган юксак ишонч натижаларидир. Биз қароға бомайлик, қай юрт саҳнасида мусиқа ижро этмайлик, энг аввало, Юртбошимизнинг бекиёс ғамхўрликларини юракдан ҳис этиб, шундан куч оламиз. Шунинг ўзиёқ бизнинг озод юрт бағрида камол топаётган, дунёдаги энг бахтиёр фарзандлар эканлигимизни аниқлайди.

**НОДИРА ДАДАМУҲАМЕДОВА,**  
В. ЎЗБЕКИСТАННОМИДАГИ Республика ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН мусиқа академик лицейи ўқувчиси.

## ЮРТИМИЗ ФАХРИ

Истиклолнинг дастлабки йиллариданок, мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ҳамда жамиятдаги мавқеини оширишга йўналтирилган ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ташаббускорлик ва тadbиркорлик фаолиятларида дастуриламал бўлмоқда. Кейинги йилларда Республика Хотин-қизлар кўмитаси қошида бир қатор жамоат ташкилотлари, жумладан, “Олима аёллар”, “Тadbиркор аёл”, “Ли дер аёллар” уюшмалари, “Шарқ аёли” халқаро жамғармаси, “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ташкил этилди. Бундай жамоат ташкилотлари хотин-қизларнинг мавқеини ошириш билан бирга, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

### Ғамхўрлик

қониятларини сафарбар қилмоқдалар. Бунда бир қатор вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз ҳам ижобий самара бераётди. Жорий йил бошидан буён хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини намоийш этиш, ташаббускорликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор тadbирлар билан бирга, уларнинг

зилаётган инновацион гоёлар технологияси ямаркасида ўнлаб ёш олимпиадаларимизнинг муваффақиятли иштироки аниқлашда ҳам кўриш мумкин. Аммо бу яратиладиган имконият, берилган имтиёزلардан ҳамма вақт ҳам тўла фойдаланаямиз, дегани эмас. Буни бугунги кунда мамлакатимиз илм даргоҳларида таълим олаётган талаба, аспирант ва докторантларнинг 109030 нафарини хотин-қизлар ташкил этгани ҳолда, уларнинг атиги 129 нафаригина махсус стипендия соҳиблари эканлиги, айрим ҳолларда илмий изланиш олиб бораётган олимпиадаларимиз оилавий ташвишлар сабаб, тадқиқотларини қолдирган ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу бизнинг ёш олималар билан кўпроқ суҳбатлар, маслаҳатлар олиб боришимизни, бошқача айтганда, изчил шуғулланишимиз лозимлигини кўрсатади.

“Меҳр нури” жамғармаси ташаббуси билан Қарши шаҳрида тadbиркор аёллар учун ўқув семинари ташкил этилди. Унда тadbиркорлик фаолиятини бошлаётган ишбилармон хотин-қизлар ҳамда вилоят “Тadbиркор аёл” уюшмаси вакиллари қатнашди.

## ОҚИЛА, ТАДБИРКОР, ФАОЛ

Таъкидлаш керакки, айна пайтда вилоятда 10 минг нафардан зиёд хотин-қиз тadbиркорлик соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Утган йили уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 12,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада оилавий тadbиркорликни йўлга қўйган 1896 нафар аёл томонидан уч мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилда ҳам тижувчилик, паррандачилик, маший хизмат кўрсатиш каби йўналишларда фаолият олиб бориш истагидаги аёл-

ларга жами 14 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Тadbирда бу борадаги ишларни янада жонлантириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, семинар иштирокчиларига мамлакатимизда янгидан иш бошламоқчи бўлган тadbиркор аёллар учун яратилган имтиёзлар ва имкониятлар тўғрисида атофлича маълумот берилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жумладан, пойтахтимиздаги маҳаллар, меҳнат жамоалари, ўқув юрталарида ташкил этилган “Аёл, давлат, жамият”, “Соғлом она — соғлом миллат”, “Оилада соғлом турмуш тарзининг қарор топишида аёлнинг ўрни” каби мавзуларда кечалар, давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, “Энг замонавий оила”, “Тошкентнинг ой қизи”, “Илм юлдузлари” сингари танловлар аёлларнинг сиёсий саводхонлиги, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, тиббий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

қотларини қолдирган ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу бизнинг ёш олималар билан кўпроқ суҳбатлар, маслаҳатлар олиб боришимизни, бошқача айтганда, изчил шуғулланишимиз лозимлигини кўрсатади.

Бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини аёлларсиз тасаввур қилиш қийин. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Жамиятда аёлларга юксак эътибор кўрсатиш экан, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик бўлади, мамлакат раванқ топаверади.

**Эътибор СУЛТОНОВА,**  
Тошкент шаҳар олимпиадалар уюшмаси раиси ўринбосари, профессор.



Лобар қизлар, зебо санамлар...  
Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

### Кўрғазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида “Баҳор вернисажи” деб номланган кўрғазма очилди.

**БАҲОР ТАРАННУМИ**  
Баҳорни, аёлни улуғловчи, она-юртни тараннум этувчи ушбу кўрғазмада йигирмадан зиёд хотин-қиз рассомнинг энг сара асарлари намоийш этилмоқда. Кўрғазма экспозициясидан Нодира Орипова, Дилорам Мамедова, Галина Ли, Римма Гаглоева сингари таниқли рассомлар билан бир қаторда Евгения Хегай, Арина Хандамян сингари ёш мўйқалам соҳибларининг ҳам асарлари намоийш этилмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## ОНАЛАР МАДҲИ

Аёл — гўзаллик тисмоли. У ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқ. Зеро, хотин-қизлар сиймосидаги латофат, нафосат бизга баҳорий қиёфийат улашади.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Ёш рассомлар ижодида аёл сиймоси” деб номланган бадий кўрғазмада қатнашганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада бир қатор ёш мўаллифларнинг асарлари ўрин олган.

Тақдим этилган асарларда мунис ва мўътабар оналаримиз сиймоси асосий мавзу сифатида танланган. Ижодкорлар аёл сиймосини тасвирлаш орқали уларнинг қалб гўзаллиги, нафосат олами вакиллари эканлигини ўзига хос тарзда акс эттиришган.

Айтиш жоизки, бундай кўрғазмаларнинг ўтказилиши замирида аёлнинг эъзозлаш, ҳурмат кўрсатиш, қадрлаш каби юксак инсоний туйғулар ўз ифодасини топади.

### Нафосат

фармаси томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада бир қатор ёш мўаллифларнинг асарлари ўрин олган.

Юртимизда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш масалаларига юксак даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис оила қуриш арафасида бўлган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ёшлар ўртасида турли иллатларнинг олдини олиш масаласи доимий назоратда бўлмоқда. Уларга мутахассислар томонидан ўз саломатликларини асраш, соғлом оилани шакллантириш борасида зарур маслаҳатлар берилмоқда.

## ИНСОН — АЗИЗ, СОҒЛИҚ — БЕБАҲО

Бўлажак ота-онанинг саломатлиги келажақ авлоднинг саломатлиги билан, ўз навбатида, ёш авлоднинг соғлиғи эса, Ватан тақдирини билан узвий боғлиқлиги тушунтирилмоқда. Табиийки, аҳоли ўртасидаги тарғибот ишлари ўзининг ижобий самарасини бераётди. Буни мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими қарийб уч бараварга камайгани, туғуруқлар орасининг узайганлиги, аҳоли ўртасида турли касалликлар, жумладан, бўғма, кўкйўтал, қоқшол сингари бир қатор хавфли касалликларнинг бутунлай тугатилиши, шунингдек, кишиларнинг ўртача умр

кўриши 73,1 ёшни ташкил қилаётганида ҳам намоён бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, оналик ва болалик муҳофазаси борасида яратилган шароитлар даражаси бўйича Ўзбекистон дунёдаги 125 давлат ўртасида 19-уринини эгаллар экан. Нафақат Марказий Осиё, балки Осиё қитъасида юқори ҳисобланган ушбу кўрсаткич мамлакатимизда инсонга, айниқса, она ва бола саломатлигига берилаётган юксак эътибор натижасидир. Хозир республикамизда тиббиёт муассасаларида 72 минг нафардан зиёд ши-

## Тиббиёт

тиббиёт соҳасида муҳим ўзгаришлар, ислохотлар кузатилади. Зеро, бу борадаги ҳаётбахш қарорлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, оилаларда соғлом муҳит яратиш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, шунингдек, аҳоли саломатлиги муҳофазаси борасида улкан ишларга замин бўлди. Бундай янгиланишлар эса ўз ишिमизга нисбатан маъсулиятимизни оширади, инсон саломатлигига дахлдор эканлигимизни янада чуқурроқ аниқлаб туради.

**Зулхумор МУТАЛОВА,**  
Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти директори.

**Футбол бўйича 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2012 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтади. Бу хусусида Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФА ижроия қўмитасининг навбатдаги ййғилишида эълон қилинди. — Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари қатори аёллар футболни ҳам жадал ривожланиб бормоқда ва биз бугун ушбу мамлакатга жаҳон чемпионати мезбонлигини топширганимиздан бахтиёримиз, — деди ФИФА президенти Йозеф Блаттер ижрокўм ййғилишида.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ



Бундай нуфузли мусобақани ташкил этишга ишонч билдирилгани бежиз эмас, албатта. Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида "миллионлар ўйини" — футболни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Ўтган вақт мобайнида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлаш, шунингдек, юртимиз футболнинг оммавийлик даражасини

ошириш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг мазкур йўналишдаги ишлар муҳим босқичга кўтарилди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган эди. Айтиш пайтда мазкур жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, миллий чемпионатимизнинг нуфузи ҳамда мақомини

ошириш, энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш, улардан юқори малакали футболчилар тайёрлаш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Юртбошимизнинг спорт, жумладан, болалар спортни ривожига кўрсатаётган ғамхўрлиги шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий спорт мажмуаларида ҳам ўз ифодасини топомоқда. Улардаги шароитлар ҳавас қилишга арзигулик даражада.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йил-

ларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда футболни оммалаштириш ва ёш спортчиларни тайёрлаш борасидаги эзгу ишларни янги поғонага кўтаришга хизмат қилиши, табиий.

### Футбол

Қарорда юртимизда янги стадионлар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини спорт жиҳозлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ҳамда ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, жорий йилда пойтахтимиздаги "Бунёдкор", "Локомотив" стадионларида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланади. Самарқанддаги "Динамо" стадиони реконструкция қилинади. Қарши шаҳрида махсус футбол интернати фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, Олмалик ва Бекобод каби шаҳарларда замонавий талабларга жавоб берадиган стадионларнинг барпо этилиши,

"Бухоро" (Бухоро), "Фарғона" (Фарғона), "Марказий" (Наманган) стадионларининг тубдан реконструкция қилиниши, "Навбахор", "Андижон" сингари жамоалар қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, уларнинг энг замонавий футбол асбоб-анжомлари билан таъминланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

ФИФА раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган мана шундай кенг кўламли ислохотлар самарасига доимо юқори баҳо бериб келган. Бундан ташқари, Осиё футбол конфедерацияси ҳам ҳамisha ўзининг ижобий муносабатини билдирапти. Мавжуд шарт-шароитларни инobatга олиб, футбол, ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича Осиё чемпионатлари мезбонлиги учун икки мартадан айнан Ўзбекистон танлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Айтиш жоизки, юртимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида "миллионлар ўйини" қизларимиз ўртасида тобора оммалашмоқда. Ушбу спорт тури бўйича хотин-қизлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони — Қаршининг "Севинч" жамоаси халқаро миқёсдаги мусобақаларда кўп мартаба шохсўпага кўтарилган. Мини-футбол бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси Ёпиқ иншоотлардаги Осиё ййинларида олтин ва бронза медалларига сазовор бўлган, қатор халқаро турнирларда голиб чиққан.

Демак, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2012 йилги мундиални мамлакатимизда ўтказиш бўйича қабул қилинган қарор мустаҳкам асосга эга. Ушбу эзгу янгилик футболимиз маликалари учун ўзига хос байрам совғаси ҳам бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**  
**Шумурот ШАРАПОВ олган сурат.**

## «Асака» банки: КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболагасиз энг муҳим шартидир", деб таъкидлаб ўтди.



Айниқса, бу жараёнда ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлиқдир. Хусусан, жорий йилда республикаимиздаги касб-хўнара коллежларини 450 мингдан зиёд ўқувчи тамомлайди. Шундан келиб чиқиб, уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга ҳозирдан оқ киради.

Бу борада "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, мазкур молия муассасаси ва Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўртасида ўқувчиларнинг "Устоз — шогирд" аънаъаси асосида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда ўқув жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси тузилган. Бунга мувофиқ, ҳозир билим даргоҳида банк мутахассислари иштирокида илмий-амалий семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Яқинда банк жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Молия муассасаси томонидан Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежидида "Ўқув банки" ташкил этилди ва "Асака" банки томонидан замонавий ўқув анжомлари ҳамда компьютер техникалари билан жиҳозланди. Ҳозир

### Таълим ва амалиёт

бу ерда коллежнинг юқори босқичида тахсил олаётган ёшлар банк иши йўналиши бўйича эгаллаган назарий билимларини амалиёт орқали янада мустаҳкамламоқдалар. Машғулотларни банкнинг малакали ва тахрибали мутахассислари олиб боришапти.

— Бу янгилик жамоамиз, ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари томонидан зўр мамнуният билан қабул қилинди, — дейди коллеж директори Ботир Тўйинов. — Ҳозир билим даргоҳимизда 2042 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Уларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит

яратилган. 120 нафар педагогимизнинг ақсарияти фан докторлари ва номзодлари ҳамда олий тоифали ўқитувчилардан иборат эканлиги ўқув машғулотларининг янада самарали бўлишини таъминламоқда. Энди эса йигит-қизлар коллежда эгаллаган билимларини "Ўқув банки"даги машғулотларда яна бир қарра синовдан ўтказдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда давлатимиз томонидан бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, уларнинг бўлғуси иш жойида амалиёт ўташини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишонч ва интилишларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилапти. Шу маънода, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган "Ўқув банки" ҳам банк иши йўналиши бўйича тахсил олаётган коллеж ўқувчиларининг истиқболда са-лохиятли кадрлар бўлиб камол топишига мустаҳкам замин яратиши, шубҳасиз.

**Банк ахборот хизмати.**



**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

**ISSN 2010-8788**

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

**Тижорат материаллари**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 март, пайшанба кунини чиққди.